

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
27 июнь
ЧОРШАНБА

№ 51 (13104)

www.thtp.uz

СИЗ БОРУ БИЗ БОР — ҚАЛАМ БОР, ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ...



Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган маросимда мамлакатимиз ва вилоятимиз оммавий ахборот воситаларида ўз шарафли касбини ардоқлаб меҳнат қилаётган ижодкорлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, наш-

рам билан қизгин ва самимий муборакбод этди.

Қайд этилганидек, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлик қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам ана шундай машаққатлидир. Бинобарин, муҳ-



белгиланган вазифалар ижроси ва моҳиятини халқимизга етказиш, одамларда мана шу ўзгаришларга дахлдорлик туйғулари уйғотиш ва шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нима билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди.

Айнан шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбари ўзларининг деярли ҳар бир чиқишларида журналистларимизни жамият ҳаётида ҳамisha фаол бўлишга, ҳар бир масалада ҳолис ва ҳозиржавоб фикр юритишга, ютуқларимиз билан бир қаторда, жойлардаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳам рўй-рост кўрсатиб, уларни бартараф этишда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга, бир сўз билан айтганда, халқимиз ҳаётининг

том маънодаги кўзгуси бўлишга даъват этадилар.

— Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни жонажон мамлакатимизнинг мустақиллик байрамига катта тайёргарлик бошланадиган мана шу фусункор кунларда нишонланишининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор, — дейди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева. — Халқимизни, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда, Истиқлол йилларида халқимиз эришган ва эришаётган оламшумул ютуқларни бутун жон афкор оммасига етказишда бу соҳа вакиллариининг ўрни ниҳоятда катта.

Давоми 2-бетда ➡

Чирчиқ шаҳрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

риёт ва матбаа корхоналари фидойилари, соҳа фахрийлари ва ёшлар иштирок этишди.

Тантанали маросимни вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, шарафли касб соҳибларини вилоят ҳокимлиги номидан бай-

тарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган жуда катта кўламли ислохотларни, шиддаткор янгиланиш ва юксалиш жараёнларини, хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

Хабарингиз борми?

Мамлакатимизда фуқароларнинг биометрик паспорт олиши учун белгиланган охириги муддат тугамоқда.

Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар тизимидаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими янада гавжум. Ҳўш, ушбу вазиятда аҳолига янада қўлайлик яратиш борасида соҳа масъуллари томонидан қандай чоралар кўрилмоқда?

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ОЛИШ МУДДАТИ ТУГАМОҚДА

Вилоят ички ишлар бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда соҳа мутахассислари томонидан дам олиш кунларисиз иш тартиби жорий этилган.

— Аввало, июнь ойи охирида узундан-узоқ навбатлар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди Янгийўл тумани ички ишлар бўлими Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Ҳ. Саматов. — Маҳаллаларда аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, июнь ойига қадар аксарият фуқароларнинг эски турдаги паспортларини биометрик паспортга алмаштиришга эришдик. Тўғри, ҳозир ҳам бўлим фуқаролар билан гавжум. Лекин, уларнинг ортиқча вақт йўқотиши ёки бошқа турдаги салбий ҳолатларга умуман йўл қўйилмаяпти.

Дарҳақиқат, биометрик паспорт олиш мақсадида бу ерга ташриф бурган фуқароларга биринчи навбатда расмга тушиш ва биометрик маълумотларни топшириш учун ўзларига қўлай вақтга қараб, аниқ санаси ва вақти кўрсатилган навбат талони берилмоқда. Бу эса, одамлар вақтини тежалишга хизмат қилаётир. Кечас ва ногиронлиги бўлган фуқаролар хонадонига боришиб, зарур маълумотлар ўша жойнинг ўзида олишмоқда. Айни жараён учун давлат божини қабул қилувчи банк шохобчасида ҳам дам олиш кунисиз иш тартиби жорий этилган.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК БАРАКАСИ

Кўйликдан Нурафшон шаҳрига бораётиб, катта йўл четига териб қўйилган бири-бирдан бежирим ва кўркам ҳунармандчилик намуналари олдида безътибор ўтиб кетолмадик.

Хунармандчилик

Буларни яратаётган моҳир кўл эгалари билан танишиб, суҳбатлашгимиз келди. Шу сабабдан, хонадон дарвозасини чертиб, ичкари кирдик. У ерда

хунарманд ака-укалар қизгин иш устида экан.

Нурафшонлик Ислон Юсуповга бу касб ота мерос. У болалигидан дада-



сининг олдида юриб, соҳани миридан сиригача ўрганди. Унинг интилишлари зоя кетмади. Бугун у дадасининг дуоси ва кўмагида оилавий тадбиркорга айланди. Бундан ташқари, хунармандлар уюшмасининг аъзоси ҳамдир.

— Енг шимариб, иш бошлаганимизга тўрт йилдан ошди, — дейди хунарманд. — Биз асаган стол-стуллар дала ҳовлилар учун мўлжалланган. Булар ҳеч қандай ускуналарсиз, асосан, кўл меҳнати орқали яратилади. Шу сабабдан, бу иш кунт ва катта матонатни талаб қилади. Баъзан битта жиҳозни ясаш учун икки-уч кун кетади. Аммо, ҳеч қачон кетган вақтимизга ачинмаймиз. Муҳими, маҳсулотимиз харидорга манзур бўлсин.

Дарвоқе, тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда оилавий тадбиркорлик яхши ривожланса, шу давлатда иқтисодий муаммолар бўлмайди. Масалан, Хитойда оилавий тадбиркорлик шу даражада ривожланганки, деярли ҳар бир оилада қандайдир товар ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Ғамхўрлик

Шу кунларда уч фарзандни ўстираётган ёш оила — Саодат ва Раҳматилла Тошбоевлар хонадонидан меҳмон аримайди. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг нияти кўни кеча Олмалик шаҳрида янги хонадонга кўчиб ўтган оиланинг бахту қувончига шерик бўлиш.

ЭЛИК УЧ ОИЛАНИНГ БАХТ ОШЎНИ

Обод хонадоннинг файзли дастурхони устида фотиҳага кўл очган ёши улуглар: "Юртимиздаги тинчлик ва фаровонликка кўз тегмасин, уй-жойга эҳтиёжи бўлганларга шундай ғамхўрликлар кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсинлар", дея ният билдиришмоқда...

Бугун мамлакатимизда чинакам бахт оғушидаги ёш оилалар жуда кўп. Негаки, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шaroитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам эҳтиёжманд оилалар учун кўп қаватли уй жойлар барпо этилиб, Президент совғаси сифатида бегараз топширилаётгани ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги юксак намунасидир, дейиш мумкин.

Кеча Олмалик шаҳрида ногиронлиги ҳамда уй-жойга эҳтиёжи бўлган 53 оилага янги уйларнинг қалитлари топширилди. Бунинг учун шаҳарда узоқ йиллардан бўён қаровсиз аҳолида ётган кўп қаватли собиқ ётоқхона биноси "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳомийлигида талаб даражасида реконструкция қилинди, қўндалик турмуш учун зарур барча маиший шарт-шaroитларга эга бўлган шинам қиёфа касб этди.

Эндиликда мазкур 2 ва 3 хонали уйларнинг соҳиби бўлган Юқори Чирчиқ, Паркент,



Қибрай, Пискент, Янгийўл туманлари ҳамда Олмалик шаҳрида яшаётган 53 оила уй-жой ташвишидан буткул халос бўлди.

Шугина эмас. Мазкур кўп қаватли бинода тикувчилик цехи ташкил этилгани эътиборга молик. Бу ерда 15 нафар уй бекаси доимий ишига, демакки, шунча оила даромад манбаига эга бўлди.

Хонадонларни ўз эгаларига топшириш маросимиде сўз олганлар бундай юксак ғамхўрлик учун ўз самимий дил изҳорлари, ташаккурларини билдирдилар.

Шаҳар маданият бўлими томонидан тайёрланган бадий-кўнгилочар дастур хонадон соҳибларига чинакам уй тўйларининг шуқуҳини ҳадя этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз
Суннат САПАРАЛИЕВ
ОЛАН СУРАТ

Ёшлар овози

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Кўни кеча Тошкент давлат аграр университетида 30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда университетнинг профессор-ўқитувчи ва талаба-ёшлари иштирок этди.

— Вилоят миқёсида ўтказилган турли маданий-маърифий кўрик-танловларда талабаларимиз муносиб иштирок этиб, ғолиб бўлишди, — дейди университет ёшлар етакчиси Миразиз Мирсултонов. — Шу боис, "Йилнинг энг фаол иттифоқ аъзоси" номинациясини кўлга киритдик.

Тадбирда кўрик-танловлар ғолиблари ҳамда таълим

муассасаси раҳбариятига Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг "Ёшлар оқшони" деб аталган катта концерт дастурига навбат берилди. Унда янграган "Ўзбекконцерт" бирлашмаси хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Раҳматилла САИДВАЛИЕВ

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан ёзги таътил вақтида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Оққўрғон туманидаги бир неча умумтаълим мактаблари қошида ишлаётган кундузги оромгоҳларда ўқувчилар ўртасида арқон тортиш, қувноқ эстафета, халқ ўйинлари ҳамда футбол, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

— Арқон тортиш ўйинида жамоа аъзолари аҳилликда кучларини синовдан ўтказди, — дейди Оққўрғон тумани "Камалак" болалар ташкилоти раиси Азиз Қўшбоев. — Шахмат ва шашка мусобақаси кўплаб иқтидорли ёшларни аниқлади. Бундан ташқари, гиёҳвандлик ва диний экстремизмнинг салбий оқибатлари каби турли мавзуларда давра суҳбатларини ҳам ўтказиб келаяпмиз.

НУРАФШОННИНГ НАВҚИРОН ИХТИРОЧИЛАРИ

Нурафшондаги "Баркамол авлод" болалар марказида "Ёш иxtиروحилар ва инновацион гоёлар" танлови ўтказилди. Мазкур тадбир шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи кенгаши, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ҳудуддаги барча мактаб ўқувчилари 50 дан ортиқ ишланмалар билан қатнашди.

Танловни ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшлар ўртасида иxtиروحчилик қобилиятига эга иқтидор эгаларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишланмаларини такомиллаштириб, ҳаётга таътиб этишга кўмаклашишдан иборат.

— Мен бугун "Ақлли соёбон" номли ижодий ишим билан қатнашдим, — дейди 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ўғилой Раппорова. — Бу

Моҳира КЕНЖАЕВА

